



2018-YIL 10-MART,  
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz  
E-mail: yoshlarovozi@uamail.uz

29  
(16186)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Душанбе, 9 март. ЎЗА махсус мухбири  
Абу Бакр УРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси  
Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан  
9 март куни давлат ташрифи билан Душанбегга келди.

Душанбе халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон билан Тожикистоннинг умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан боғланган. Бизни икки тилда гаплашувчи бир халқ дейишди. Азалий қўшнилик ва ўзаро ҳурмат аънавлари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилляпти.

Сўнги вақтларда ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар кузатилаётганда, 2016 йилнинг сентябридан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тожикистон раҳбари ўртасида тўрт марта учрашув, са-

мимий ва муҳим телефон мулоқотлари ўтказилди. Президентлар ўзаро алоқаларини икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида бирга ишлашга тайёр эканини бир неча мартаба қайд этди.

Жорий йилнинг 10-11 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Душанбе шаҳрида бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда давлатлараро chegarаларни деимитация қилиш бўйича Ҳукуматлараро комиссия мажлисида иштирок этди.

Ўтган йили мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги авиатрашувлар, темир йўл қатнови қайта тикланди. Самарқанд – Панжикент оралигида А-377 халқаро автомобиль йўли очилди. Ўзбекистон – Тожикистон давлат chegarасида ўтказиш пунктлари ўз ишини тиклади.

2017 йилда Тошкент ва Душанбе шаҳарларида ишбилармон доиралар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, савдо битимлари ва шартномаларни тузишга асос бўлган миллий кургзмалар ва бизнес-форумлар ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови йўналишлари қайта тикланди. Апрель ойида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиатрашув йўлга қўйилди. 2017 йилда Тожикистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дустона ва конструктив руҳда ўтган суҳбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатилаётган ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросимида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар – Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтилди.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дустона ва конструктив руҳда ўтган суҳбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатилаётган ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти

Тожикистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ишларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўзаро шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қатъий азму шижоат намойиш этмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар кўлами кенгайиб, конструктив сиёсий мулоқот ўрнатилган. Олий даражадаги алоқаларни янада кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида 2000 йилда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартномада икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

(Давоми 2-саҳифада)

### » ESHITDINGIZMI?

## ЯНГИ ТАНЛОВ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Жорий йилдан бошлаб Ўзбекистонда 10-11 синф ўқувчилари ўртасида математика, физика ҳамда информатика фанларидан “Ал-Хоразмий издошлари” кўрик-танлови ўтказилади. Голибларни энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаригача миқдорда пул мукофотлари кутмоқда.



## ДУШАНБЕДА



### Навоий Ва Жомий ёғзорликлару ўрнатиласу

Бу ҳақда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг махсус фармойишида маълум қилинган. Ҳужжатда мамлакат пойтахтидаги истироҳат боғига Низомиддин Алишер Навоий номини бериш ҳам таклиф қилинмоқда.

## 2018 ЙИЛ 1 ИЮНДАН

юртимизда сотилажак ҳар 10 литр (1 дал) пиво учун – 2000 сўм, худди шунча ароқ учун – 5000 сўм, минг донга сигарета учун эса, 1000 сўм йўғим ундирилади. Маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади.



## ҚЎШНИ ЮРТДА МАРКАЗИМИЗ ОЧИЛАДИ



Остона шаҳрида Алишер Навоий номидаги ўзбек адабиёти ва маданияти марказини ташкил этишга ҳозирлик қўриляпти. Янги тузилама Қозғистон Евроосиё миллий университети биносидан жойлаштирилади. Эслатиб ўтамиз, 2018 йил Қозғистонда Ўзбекистон йили, деб эълон қилинган.


## ТОШКЕНТДА

### “Спорт” эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинади

Унинг ҳудудида спорт кийимлари, анжонлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилган. Айни вақтда юртимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда.



## БУХОРОДАГИ АМОМА ҲАВОДА МУАММАҚ ТУРАДИ



Бу кўна кентнинг эски қисмида пайдо бўлган яна бир аттракционнинг тавсифи. Мазкур сюрпризни сайёҳлар эътиборига Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳавола этган.

Ўз ахборотимиз.

### » YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

## МУҲОКАМАДА ДИНИЙ ТАРБИЯ

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси ёш авлод тарбиясида диний маърифат тарбиотининг аҳамияти масаласига бағишланди. У ижтимоий тармоқда онлайн тарзда эфирга узатилди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислам цивилизацияси маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши мутахассислари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг маънавий баркамол, иродаси бақувват, имон-этиқодли, мустаҳкам мафқуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда ҳам



дунёвий, ҳам диний таълим-тарбиянинг ўрни беқийс. Сессия давомида шу масалада ўзаро фикр алмашилди. Дунёдаги илғор тажрибаларни ўрганиб, ибратли жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Шундан сўнг мутахассислар залдаги ёшлар ва ижтимоий тармоқлардан келган саволларга жавоб берди. Талаба қизларнинг рўмол ўраб, йигитларнинг соқол

ўстириб, ўқишга бориши тақиқлангани ва бошқа шунга ухшаш ҳолатлар юзасидан изоҳ сўралди. Хусусан, Наманган вилоятидаги коллежлардан бирида ёшлар етакчиси ҳижоб ўраган қизларга чора кўргани хусусидаги савола ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Одилжон Тожиёв қуйидагиларни таъкидлади:

— Иттифоқ ёшларнинг ҳижоб ўрашию соқол қўйишига монелик

қилмайди. Бундай вазиятда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Шунингдек,

Шаҳноза  
НУРУЛЛАЕВА

### Таҳририятдан:

Шу ўринда бир мулоҳаза. Қайси соҳа ёки ҳаёт жабҳаси бўлмасин, моҳиятини англаш муҳим саналади. Акс ҳолда мазмун бир четда қолиб, шаклга маҳлулик авж олади. Диний либослар борасида ҳам бунини яққол кўриш мумкин.

Муайян дин тарихини, асосларини, шартларини чуқур ўрганиш, тафаккур қилиш инсондан жиддий сайёҳаракатни талаб этади. Бу — билим олиш дегани. Бироқ, ўзи чуқур билмаган тойфа ёки табақага мансубликни кўр-кўрона намойиш қилишга интилишни оқлаб бўлмайди, ҳар ҳолда. Биз муштарийларни шу хусусда мунозарога чорлаймиз.



МАНАСЛИКЛАР  
ҲАРБИЙ ҚИСМДА

2



ФАРҒОНАДА “ЁШЛАР  
ҲАФТАЛИГИ” ЯКУНЛАНДИ

3

# ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Томонлар халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорликни изчил давом эттириб келмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига жавоб берадиган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашда асосий омил бўладиган даражада кутарилаётган.

Учрашувда Тожикистон томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» ва «Марица ва диний бағрикенглик» резолюцияларини, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватлашини билдиради.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда ҳамкорликнинг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Музокарада узоқ муддатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва ҳамкорликнинг барча йўналишларидаги мавжуд юксак

салоҳиятни имкон қадар тула рўйга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2017 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион долларни ташкил этди. Бу охириги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ўзаро товар етказиб бериш ҳажми, хизматларни ҳисобга олганда, кейинги икки йилда 10 мартадан ортиқ қўлайди. Бунда транспорт воситалари ва хизматлари, тўқимачилик ва пластмасса маҳсулотлари, машиный техника воситалари асосий ўринни эгаллади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тожикистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 25 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилиш мақсадида Душанбе ва Тошкентда кўша бизнес-форумлар ташкил этилди. Икки мамлакат Савдо-санот палаталари ўртасида «Тожикистон – Ўзбекистон» ишбилармонлар кенгаши тузилиб, ташриф доирасида унинг биринчи йилги ишга ўтказилди.

Томонлар энгил sanoat, oziq-ovqat, qurilish materiallari ishlab chiqarish, qishloq xojaligi, meva-sabzavotni qayta ishlash, transport uchun qulay sharoitlar yaratish, mintaqalar urtasidagi hamkorlikni kengaytirish kabi sohalarda atrofdagi fikr almashdi.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида махсулот айирбошлаш ҳажми имкониятлар даражасида эмасли-

ги эътироф этилиб, икки томонлама товар айланмаси ҳажмини 500 миллион долларга етказиш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Музокарада кўша корхоналар ва савдо уйлари ташкил этиш, ташқи савдо инфратузилмалари ва экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, икки томонлама бизнес-форумлар ва sanoat mahsulotlarini hisobga olgan holda suv-energetika resurslaridan oqilona va adolatli foydalanish, muammlarini hal etishda umumiytirrof etilgan xalqaro norma va standartlarga rioya qiliish zarurini ta'kidlandi.

Мавлўмки, Тожикистон 2018 йилда МДҲга раислик қилмоқда. Ҳамдўстликни ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириш, уни таъсирчан музокара майдонига айлантириш механизмларидан самарали фойдаланиш икки давлат учун ҳам манфаатлидир. Ўзбекистон томони Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Антинаротик марказини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, маданият-гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам фикр алмашилди. Қайд этилганидек, илмий муассасалар, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва спорт жамоалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, касба уюшмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўртасида тўғридан-тўғри aloqalar йўлга қўйилмоқда. Тожикистон Президенти

роликни таъминлаш, халқаро муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, терроризм ва экстремизм ҳақда бошқа турдаги уюшган трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Очиқ мулоқот, ўзаро англашув руҳида ўтган музокарада минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан оқилona va adolatli foydalanish, muammlarini hal etishda umumiytirrof etilgan xalqaro norma va standartlarga rioya qiliish zarurini ta'kidlandi.

Мавлўмки, Тожикистон 2018 йилда МДҲга раислик қилмоқда. Ҳамдўстликни ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириш, уни таъсирчан музокара майдонига айлантириш механизмларидан самарали фойдаланиш икки давлат учун ҳам манфаатлидир. Ўзбекистон томони Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Антинаротик марказини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, маданият-гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам фикр алмашилди. Қайд этилганидек, илмий муассасалар, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва спорт жамоалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, касба уюшмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўртасида тўғридан-тўғри aloqalar йўлга қўйилмоқда. Тожикистон Президенти

Имомали Раҳмоннинг мамлакат пойтахтидаги «Ёшликнинг 50 йиллиги» истироҳат боғи номини «Низомиддин Алишер Навоий» деб қайта номлаш тўғрисидаги фармойиши икки халқ маданият ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистон томонининг Самарқанд шаҳрида икки халқнинг буюк вакиллари – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ёдгорлик ўрнатгани катта мамнуният билан қабул қилинди. Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг Сергеев туманида қурилаётган станцияларидан бирига атоқли тожик шоири, Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода номи берилди.

Президентлар ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ургатишни такомиллаштириш, ўқув ва бадиий адабиётлар, даврий ва илмий нашрлар билан алмашув, икки мамлакатнинг мумтоз адабиёт вакиллари ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Талим ва фан соҳасида ўзаро муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва фанлар академиялари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонга Абдурахмон Жомийнинг сара асарлари жамлиниб, ўзбек тилида chop etilgan «Муҳаббат маҳзани» китобини совға қилди.

Олий даражадаги музокара икки томоннинг ҳам ўзаро муносабатларни мус-

таҳкамлаш, қўшни қўлга бериб, янги марралар сари дадил қадамлар ташлашга тайёр эканини намойён этди.

Музокарада яқинда икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дустлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўша баёнот, Ўзбекистон – Тожикистон давлат chegarasining aloqida uchashtalari turgusidagi shartnomani imzoladilar.

Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, боғжона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамма ҳудудлараро aloqalarni rivojlanitirishga doir 27 hujjat imzolandi.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар тўплами мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун янги ҳуқуқий асос яратди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон музокарада ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, мазкур тарихий ташриф манфаатли келишувларга эришишда муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги bosqichga kuzarishini ta'kidladilar.

– Ушбу тарихий ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транс-

порт-коммуникация, энергетика ва бошқа устувор соҳалардаги муносабатларини мустаҳкамлашга доир долзарб масалаларни муҳокама қилдик. Эришилган келишувлар нафақат халқларимиз, балки бутун минтақа учун улкан аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳридаги «Дустлик» майдонига ташриф буюрди. Бу ерда сомонийлар давлати асосчиси, миллат озодлиги ва тинчлик рамзи бўлган Исмоил Сомоний ҳайкали пойга гулчамбар қўйди. Мазкур ёдгорлик тожик халқи учун табарруқ маскан ҳисобланади. Сомонийлар давлати ташкил топганининг минг йиллиги муносабати билан бунёд этилган ҳайкالنинг баландлиги 13 метр бўлиб, қимматли маънавий ёдгорлик саналади.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасига ташрифи доирасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» миллий махсулотлар кўргазмаси очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон ҳамроҳлигида мазкур кўргазмага ташриф буюрди.

Мавлўмки, мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилган эди. Давлат раҳбарлари кўргазмага киришдан олдин «Ғалаба – Амузанг – Хошади» темир йўл линиясининг очилиш маросимида иштирок этди. Президентнинг поездалар қатновини бошлаш тугмасини босди. Икки давлат ўртасида темир йўл қатнови расман йўлга қўйилди.

Шундан сўнг давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари кўргазмада намойишга қўйилган махсулотлар билан танишиди. Кўргазмада автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё, нефть-газ, металлургия, электротехника, энгил sanoat mahsulotlari, shuningdek, qurilish ashlari hamda hunarmandlik namunalari keng namoyish etilmokda.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини юртида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар билан яқиндан таништириш баробарида, ўзаро ҳамкорлик aloqalarini yanada mustahkamlash lozimligini ta'kidladilar.

Ўз навбатида, Тожикистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатига юқори баҳо берди, турлари кўпчилигини таъкидлади. Қўша корхоналар ташкил этиш таклифини билдиради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон – Тожикистон бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Форумда мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилаётган шaroit, yurtimizda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar, chet el sarmoyadorlari uchun soliқ va boғjona imtiёzlarini haқida mavlўmki berildi. Tojikiston tomoni ham mavjud iқtisodiy imkoniyatlari taқdimotini ўtkazdi.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

## » TASHABBUS

# МАНАСЛИКЛАР ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Элдор НАВРЎЗОВ



Эр кишининг қалбига Ватанга садоқат туйғуси жўш урса, бу юрт остонасига ҳеч қандай ғаним яқин йўлмаслиги аниқ. Бизга ана шундай сридоғи Ва жонқуяр ўғлонлар керак.

Айни кунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги фаолиятини баравр олиб бораётганининг боиси ҳам шунда. Кўни кеча Иттифоқнинг Жиззах вилояти кенгаши

ташаббус кўрсатиб, Дўстлик тумани Манас қишлоғида яшовчи бир гуруҳ ёшлар учун Шароф Рашидов туманидаги ҳарбий қисмга саёҳат уюштирди. Вилоят ҳокимлиги, миллий хавфсизлик

хизмати ҳамда ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳада 140 нафар мактаб ўқувчиси қатнашди. Болалар ҳарбий қисмдаги шароитлар, аскар акаларининг яшаш тарзи билан яқиндан танишиди. Кўргазмада чиқишлар орқали бу ерда сақланаётган хизмат итлари ҳамда отларнинг маҳорати — улар билан олиб борилган кундалик машғулотлар намойиш қилинди.

Манасликлар жониворларнинг зийраклиги, қунт-саботи, шунингдек, ўз ишини пухта бажаришини кўриб, қойил қолди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳарбийлар иштирокидаги айрим жанговар машқларни томоша қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

## » BOLALAR SPORTI

# ОҚ ВА ҚОРА ДОНАЛАР «ЖАНГИ»

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказига «Ёшлар шахмат тахмаси» турнирининг ҳудудий bosqichi ўtkazildi.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада 16 та шаҳар ва тумандан олти ёш тоифасида сараланган шахматчи тенгдошларимиз дونا сурди. Ҳаммаси бўлиб 192 нафар йигит-қиз голиблик учун кураш олиб борди. — Олти ёшимда бобом менга шахмат ўйнашни ўргатганди, — дейди 10 ёшгача қиз

болалар ўртасидаги баҳса 1-ўринга сазовор бўлган амударёлик Райҳон Шамуратова (суратда). — Ўн олти партияда тўртта кучли рақибни мот қилиб, турнирнинг Қорақалпоғистон Республикаси bosqichiga etib kelдим. Бобом менга доимо: «Генерал бўлишни оруз қилмаган аскар, аскар эмас» — деб ўқитган. Мақсадим юксак — халқаро



гроссмейстерлар сафига киришни хоҳлайман. Бунга интиламан, албатта. Турнирда юқори

натижаларни қайд этган 12 нафар спортчи диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Энди улар

жорий йилнинг апрелида Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган финал беллашувига тайёргарлик кўради.

## » TENGDOSH-TENGDOSHGA

# САРДОРЛАР ТАРҒИБОТГА КИРИШДИ



Ушбу серғайрат йигит-қизлар тенгдошларида етакчилик ва нотиклик қобилиятини шакллантириш мақсадида махсус ўқув дастурини ишлаб чиққан.

— Институтимиз талабалари орасида куч-ғайратга тўлганлари жулда қўп, — деди клуб фаоли Гулбону Сейтбаева. — Фақат кўпчилиги ўзини қаёққа

Шохрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган «Сардорлар клуби»нинг илк қалдирғочлари жойларга тарғибот тадбирларини олиб бормоқда. Улар орасида Нукус давлат педагогика институтини талабалари ҳам бор.

уришни билмайди. Уларга туртки керак! Ҳақиқий сардорлар ана шундай ёшлар орасидан етишиб чиқди. Лойиҳамизнинг бош мақсади бу масалада имкон қадар кўмаклашидан иборат. Ўқув машғулотлари

давомида йигит-қизлар учун интеллектуал ва раҳбарлик салоҳиятини оширишга қаратилган қизиқари треннинглар, психологик машқлар утиляпти. Бир вақтнинг ўзида суҳбат ва ёзма топшириқлар орқали «Сардорлар клуби»га

янги номзодларни ҳам саралаб оляпти. НДПИ талабалари фақат ўз олийгоҳи билан чекланиб қолмай, тарғибот ишларини Тошкент аграр университетининг Нукус филиалида ҳам бошлаб юборган.

# ФАРҒОНАДА

“Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр муз!” шiori остидаги

“ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ” ЯКУНЛАНДИ

## ФЕСТИВАЛЬ САЙИЛГА АЙЛАНДИ

Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ёшлар — келажак бунёдкори” шiori остида ёшлар фестивали ўтказилди.

“Ёшлар ҳафталиги”ни якунлаб берган ушбу кўклам сайлида Иттифоқ делегацияси аъзолари, маҳаллий жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Бир ёнда миллий таомлар кўргазмаси, бир ёнда миллий спорт ўйинлари бўйича беллашувлар ташкил этилди. Ўқувчи-ёшлар ижросидаги ашула ва лапарлар барчага хуш кайфият улашди.



“Ёшлар ҳафталиги” баҳонасида фарғоналик юзлаб чевар қизлар ҳамда шу йўналишда таълим олаётган коллеж ўқувчилари Ёш дизайнерлар кенгаши раиси Дилноза Умрзоқованинг маҳорат дарсларида иштирок этиш имконига эга бўлди.

## ЧЕВАРНИНГ ҲАМ ДАРДИ БОР

Илк учрашув Риштон туманидаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Дилноза Умрзоқова иштирокчилар билан нафақат профессионал дизайнер, балки Ёшлар иттифоқининг масъул ходими сифатида ҳам суҳбатлашди. Шу аснода мавжуд муаммоларни жойида аниқлашга уринди.

мий иш билан таъминлаганини айтар экан, туманда мода оламидаги замонавий тенденциялардан хабардор, креатив фикрлайдиган ёш дизайнерларни топиш мушкуллигини таъкидлади. Бунга жавобан Д.Умрзоқова Хурриятхонга ҳамкорликда уч ойлик ўқув курсини очишни таклиф қилди. Яна икки нафар чеварга Тошкент шаҳридаги Модалар уйида малага ошириш учун йўланма берилди.

Бундан ташқари, Қўқон шаҳридаги “Хонатлас” аталёсида фаолият кўрсатётган бир неча нафар маҳоратли дизайнернинг Ҳиндистонда ўтказиладиган модалар намоишида иштирок этишига кўмаклашиладиган бўлди. Ёш дизайнерлар кенгаши тавсияси асосида яна икки нафар истеъодли тенгдошимиз “Шаҳруза” аталёсида ишга жойлаштирилди.



ҚАМЧИЛИКЛАР ҚУЗАТИЛДИ

“Ёшлар ҳафталиги”га Республика ёш ижодкорлар кенгашидан ҳам вакиллар жалб қилинган эди. Афсуски, улар ўз миссиясини қониқарли бажарди. Дея олмаймиз. Гап-сўздан нарига ўтилмагани фикримизни исботлайди.

Шундай манзарани Олтиариқ қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи ҳамда Учкўприк туманидаги 20-музыка ва санъат мактабларида ўтказилган учрашувлар чоғида кузатдик. Ҳисоботда кўрсатилишича, уларга нақ 300 нафар ёш қамраб олинган. Аммо қайси бири ўз муаммосини айтишга қай бири жўяли бир фикр бера олди? Бу саволга ташкилотчилар тил тишлаб қолиши аниқ. Аммо тўхтанг, адолат учун айтиш керак: уша мулоқотлардан сўнг 30 нафар тенгдошимиз Ёш ижодкорлар кенгашига аъзо қилинибди. Бундан нима

чиқишини вақт кўрсатади, албатта.

Бағдод ва Фурқат туманларида бирин-кетин, лекин пухта режасиз ташкил этилган учрашувлардан ҳам, ростки, кўнглимиз тўлгани йўқ. Ҳужжатда эса, “учрашувлар натижасида 90 нафар ёш ижодкор кашф этилди ва “Хазиний” тўғараги Республика ёш ижодкорлар кенгаши қарамонига олинди” деган қиройли ҳисобот берилди...

## БУЁҒИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ


Ички туризмни ривожлантириш бўйича Фарғона вилоятининг салоҳияти анча катта. Буёғи ҳаракатга боғлиқ.

Ҳафталик доирасида Учкўприк, Риштон, Езёвон, Қўштепа туманлари ҳамда Қўқон шаҳридаги бир қатор таълим муассасалари, идора ва ташкилотларда шу мавзуда мулоқотлар олиб борилди. Қўқон тиббиёт коллежида бўлиб ўтган учрашув мунозараларга бой ўтди. Иштирокчилар “Саёҳат агентлигини очиб учун қандай ҳужжатлар керак?”, “Гиллар қаерда тайёрланади?”, “Ёшлар иттифоқи имтиёзли кредит олишга кўмак берадими?” каби саволлар билан мутахассисларга юзланди. Иттифоқ вакиллари саволларга жавоб бериш бариберида айрим масала ва муаммоларни жойида ҳал қилишга ҳам ҳаракат қилди.

Учрашувларда нафақат тегишли инфратузилмани яратиш, балки саёҳатчиларда зиёрат одобини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Иттифоқ қошидаги Ёшлар туризми агентлиги вакиллари вилоятдаги диққатга сазовор жойлар: “Чинортаги” сайёҳлик маскани, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган Ёшлар чўққиси, Мўлошшо қалъаси, Ҳўжампошшо мақбараси, “Еттибулоқ” дам олиш маскани ва бошқа объектларга ташриф буюриб, мавжуд имкониятлар билан танишди. Фарғона туманининг туристик салоҳиятини намоён этувчи ролик тайёрланди.

## МАРКАЗ ҲАМОН ҚУЛФ. НЕГА?



Мисол учун, Данғара туманида Ёшлар марказининг очилиши кечиктирилмоқда. Чунки ушбу муассаса учун ажратилган коллеж биносидан таъмирлаш ишлари битгани йўқ. Қолаверса, Бағдод транспорт коллежи биносидан жойлашган Ёшлар маркази ҳамма тўғарақлар учун алоҳида хоналар ажратилмаган.

Яна бир ҳолат. Катпўт ҳамда Қўзилтепа қишлоқларида рус ва инглиз тиллари ўқитувчилари етишмайди. Натижада ўқувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражаси паст. Республика ёшлар маркази вакиллари уша заҳотиёқ муаммага ечим излашга киришди.

Қўвонарли жиҳатлар ҳам бор. Масалан, Олтиариқ иқтисодиёт коллежи биносидан Ёшлар маркази очилди. Учкўприклик тенгдошларимизга эса, қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқув устaxonасидан фойдаланиш имконияти яратилган. Ҳозир бу ерда 60 нафар йигит-қиз тикувчи-



лик, сартарошлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сирларини ўрганмоқда.

Учкўприк тумани “Ҳозирги кўн” маҳалласида яшовчи 9-синф ўқувчиси Хуршид Маҳмудов 2016 йилда ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олинган. Ҳафталик давомида у Ёшлар марказидаги инглиз тили тўғарагига жалб этилди.

Ҳафталик давомида вилоятдаги Ёшлар марказлари фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Муаммолар ҳам бир йўла тафтиш қилинди.

## ПОСБОНЛАР ЎҚИТИЛДИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда бунга масъул раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш Ёшлар иттифоқи олдида турган асосий вазифалар сирасида.

Шу мақсадда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари томонидан Езёвон туманида семинар-тренинг ташкил этилди. Ёшлар етакчилари, “Kamalak” болалар ташкилоти бош сардор-

лари, ҳудуддаги маҳалла посбонлари қатнашган тадбирда юртимизда ёшлар масаласи бўйича қилинаётган ишлар хусусида батафсил гапирилди. Шунингдек, Ёшлар марказлари таркибида Ёш тадбиркорлар бизнес кластери, таълим муассасаларида эса, “Бизнес клуб”лар фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам тегишли тавсиялар берилди.

Семинар-тренинг давомида ўтказилган сўровнома натижасида маълум бўлдики, айрим етакчи ва посбонлар юқоридагилар юзасидан етарли билимга эга эмас. Баъзи жойларда посбонлар ўз вазифасини бажармай, маҳалла раиси ва бошқа ташкилотларнинг “югурдаги”га айланиб қолган.

Учрашувда ушбу муаммоларни бартараф этиш йўллари, ёшларга амалий кўмак бериш борасида таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. “Ёшлар ҳафталиги” доирасида бундай тадбирлар Фарғона вилоятининг барча туманларида ўтказилди.

Саҳифа материалларини  
Жавлон ВАФОЕВ, Наргиза УМАРОВА,  
Боборовшан ҲОЗИТДИНОВ тайёрлади.

## BUGUNNING GAPI

ШОҲИДБЕК

## ТҮЙМИ ЁКИ

## МАИШАТБОЗЛИК!?

Яқинда дўстим уйланди. Қувончли кунига шерик бўлдим. Базм дабдабасиз, лекин жуда файзли ўтди.



Даврага келин-куёв кириб келгач, дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан тамадди қила бошладик. Ҳаммаси рисоладагидек. Меҳмонлар шод-хуррам. Уйланаётган дўстим борбон, шунинг орқасидан тадбиркор бўлди. Тўй дастурхонига ҳам ўзининг кичик корхонасида ишлаб чиқарилган шарбатлар қўйганини билиб, хурсанд бўлдим. Ҳавасим келди. Буни қарангки, салатлар ҳам дўстимнинг ис-сикхонасида етиштирилган

сабзавотлардан тайёрланган экан. Ширинликларни эса, келиноий ва сингиллари ўз қўллари билан пиширибди. Хуллас, тўйда хушчақчақ ўтиргандик. Бирдан боядан бери қовоғидан қор ёғилиб турган Шаҳзодага кўзим тушди. Унга савол назари билан қарадим. — Бекор келибман! — деди у. Ҳаммамиз жим қолдик. — Тинчликми? — қизиқиб сўради ёнимдаги ошнам. — Қара, тўймисан

тўй-а! Ҳаммаси бинойидек-ку. Нима етишмапти сенга?!

— Биронта ҳам столга спиртли ичимлик қўйилмаган, — норози оҳангда давом этди Шаҳзода. — Ароқсиз тўй-тўйми, ахир?! Ўтган ойда Обиднинг никоҳ кечасига органи- миз эсингиздами? Ана у ростмана тўй бўлганди! Шу болага беш кетдим, аммо. Биз, жўралари қолиб, ҳатто қариндош-уруғларни кўни-қўшилари ҳам роса отиб, маст бўлиб қолди. Ана ўшанда ўйин-кулгу ҳам татиди. Хуллас, маза қилиб дам олгандик. Ўзимнинг тўйимни худди шунақа ўтказаман.

Шаҳзодининг гаплари гашига тегади. Ундан сира кутмагандим. Бирор ножўз сўз айтиб қўймай, деб ўзимни базур тийиб турдим. Индамай қўяқолдим. Бироздан сўнг даврага чиқиб, рақсга тушдик. Губорлар тарқагандек эди, гўё. Аммо дўстимнинг бе-анидашу мулоқозлари ҳали ҳам ҳаёлимдан кетгани йўқ...

YOSHLIK ILHOMI  
Ҳоқас ўғил  
Улуғбек ОРИПОВ

Қўшнимиз Ҳожар момо ёлғиз яшарди. Бизникига чиқса нуқул ўғлидан гап очарди. Очиги, ўша ўғилни бирон марта кўрмаганман. Аммо онаси уни озгидан бол томиб мақтар, менинг эса, қизиқишим баттар кучаярди.

Йиллар ўтиб, Ҳожар момо вафот этди. Жаноза кўни уйда бир норғул одам пайдо бўлди. Дабдаба билан момони сўнгги манзилга кузатиб, элга ош берди. Тириклигида ҳеч қачон йўқламаган онахонни иззат-икром билан кўмди.

Кейин билсам, бу онасининг маъра-каларини ўтказиб, обрў топаётган ўша ўғил экан...

Аҳҳамбек АЛИМБЕКОВ

НЕГА ИЗДАН  
ЧИҚМАС?

Ер шари коинот чексизлигида муаллақ айлиб юради. Нега издан чиқиб кетмайди ёки мунтазам бир томонга, ё турли томонларга оғиб кетмайди? Сабаби тинмай ўз ўқи атро-фида айланишидир. Ўзлигини топган инсондек йўлини йўқот-майди Она ер.

## ТЕЛЕФОН

Қўл телефони, роса омадинг келди. Урф бўлишда чемпионсан. Аммо одамларни яқин-лаштиряпсанми ёки аксинча?

BIR SHINGIL FALSAFA

## KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

## Меҳр дунёси

БОБОРАВШАН

Ассалому алайкум, онажон! Дунё юмушига кўмилиб, вақтни тежайман, барчасига улгуришим керак, деб яқинлари ҳолидан хабар олиш учун ҳатто СМС ёзишга ҳам ярамаган, соатлари кунларга, кунлари эса, ойларга уланиб, яшашни ҳам унутган ўғлингиз сизга мактуб йўлламоқда.

Ўша кеча ҳеч ёдимдан чиқмай-ди. Иссигим кутарилиб, алаҳеи-раяпман. Боз устига, отам ҳам уйда йўқ. Сиз овлоқ қишлоқда, тун ярмида нима қилишни билмай мени бағрингизга босиб йиллаган эдингиз. Меҳрингизни ҳис қилиб, тин олдим. Уйғониб қарасам, кўзларингиз қизарган. Билдим-ки, эрталабгача мижжа қоқмай

чиққансиз.

Кексаяиб, тез-тез тобингиз қочадиган бўлиб қолди. Ишдан қайтаётиб дори олиб келаман дейман-у, йўлимга терс бўлган дорихонага боришга ҳафсаа қилмайман.

Онажон, нега оқибатсиз ўғлин-гизга бунчалик меҳрибонсиз-а?! Ютуғимдан қувонасиз, айбимни

юзимга солмайсиз? Мени дуо билан ишга кузатасиз, аламаҳалга-ча қолиб кетсам ҳам, мени кўтиб оласиз. Ушбу сатрларни битяп-ман-у, кўшни хонадан:


— Шовқин қилманглар, отангиз ишлаяпти, — деган овозингизни эшитдим. Мана, ҳозир ҳам менинг ташвишимни қиялпсиз. Набиран-гизга танбёҳ берсангиз-да, ишдан чалғиб, ёнингизда ўтиришимни истайсиз.

Аслида нома битмай, ўша тун-да мени бағрингизга босганингиз каби сизни кучиб дил сўзимни ўзингизга айтсам бўлади. Ахир, ёнимдасиз-ку! Лекин мана шу икки қадам масофани неча йилдан буён босиб ўтолмайман. Остона ҳатлаб ўтсам бас, сизга етаман. Аммо оқибатсиз дунёнинг шовқини кулоғини кар қилган, дунёга фақат ҳисоб-китоб назари ила боқиб дийдаси қотган ўғлингиз учун бу масофани босиб ўтмоқ-лик нақадар оғир эканини билсан-гиз эди?..

Бас! Буларнинг барчасига чек қўяман ва ҳозирок кучоғингизга отиламан. Энди МЕҲР ДУНЁСИда яшайман!

## BILASIZMI?

Британиядаги қадимий бинолар, хусусан, Оксфорд, Кембриж университети коллежлари Бухоро ҳамда Самарқанд мадрасаларининг меъморий услуби асосида бунёд этилган.



1960 йилда Цейлон ҳукумати тепасига келган Сиримаво Бандаранаикенинг номи тарихга дунёдаги биринчи бош вазир аёл сифатида муҳрланди.



“Қадриятим — қимматим”  
исҳодий ишлар танлови  
“Ўроқмош” — саховатпешалик белгиси

Маҳмуд МЕНГЛИҚУЛОВ  
Қумқўрғон тумани

Азладан кунлар илий бошлаши билан қишлоқ ва овулларда ариқ қазилган. Ана шундай пайтда Сурхон воҳасида “Ўчоқтош” удуми ўтказилади. Унга

қўра, ҳашарчилар маҳалла-дан бировни чақириб, ёнига бир белқурак лойни қўяди ва: “Ўчоқтош ташладик”, — дейди. Бу ошарга ишоради. Демак, ўша одам имконияти

даражасида таом тайёрлаб, ҳашарчиларни чақирishi керак. Улар қорини тўйга-гач, уй соҳиби ҳаққига дуо қўяди.

Ҳашарчилар ташлаган ўчоқтошни олган инсон бундан қувонган. Қўни-қўш-нилар олдида мағрурланган. Бу удум саховатпешаликни тарғиб қилади.

## SIZ NIMA DEYSIZ?

## ТҮҒРИ СЎЗНИНГ ТҮҚМОҒИ

Отабек БАКИРОВ, ўқувчи

Икки йил аввал бир танловда қашқа-дарёлик тенгдошим билан дўстлашиб қолдик. Ҳануз бир-биримизни йўқлаб турадим. Яқинда у ўқитувчисидан дакки эшитганини айтиб қолди.

Сабаби Диалод мактаб кутубхонаси фаолиятидан қониқмаслиги, бу борада ўқувчилар бир қанча қийинчиликларга учраётгани ҳақида “Гулхан” журнаliga ёзиб берган. Таҳририят хатни журналда чоп этган.

Синфдошим Мардона ҳам бир пайтлар ўқувчиларнинг эътирозларини умумлашти-риб “Занжирбанд” кутубхона” сарлавҳали мақола ёзган эди. Танкид газетанда босил-гач, муаллифнинг шури қуриди...

Юқоридаги мисоллар билан кутубхо-начиларни ёмонлаш фикридан йироқман. Зотан, беш қўл баробар эмас. Мен бир фидоий кутубхоначи опани биламан. Дардан кейин йигит-қизлар билан асар-лар устида соатлаб баҳслашиб, ўқиганла-рини ўқитиришдан чарчамайди.

Аслида мутолаа ҳам истакка, қизиқиш-га боғлиқ. Бировни мажбурлаб китоб ўқи-тиб бўлмайди. Лекин бу таълим муассаса-лари раҳбарияти қўл қовуштириб ўтириши керак дегани эмас-ку.

Халқимиз айтганича бор: рост гап туққанингга ҳам ёқмайди. Бироқ қачон-гача муаммони яшириб келади. Устига-устак, ҳар қандай фикрни танкид қила-версак, охири нима бўлади?! Бундан ким ютади?..

## “AYOLLAR AYYOMI” BILIMDONLIK MASHQLARI

## KROSSVORD

Belgilangan xonadan raqam

atrofiga soat mili yo'nalishida:

1. Sharafiga Davlat mukofoti

ta'sis etilgan O'zbekiston

xalq shoirasi. 2. Mumtoz shoir

Durbek dostoni qahramoni.

3. Alisher Navoiy g'azali,

Imomjon Ikromov musiqasi

bilan ilk marotaba ustoz

xonanda Berta Davidova

ijro etgan mumtoz ashula.

4. “Opa-singillar” teleseriali

qahramoni, mohir tikuvchi-

dizayner. 5. Markaziy Osiyo

xalqlariga mansub ayol siyosati

gavdalantirilgan qahramonlik

afsonasi. 6. “Suyunchi”

filmidagi “general” buvi obrazi.

7. Dunyo xalqlari onalarining

azaliy tilagi. 8. Hamzaning

“Ey dilrabo, ishqing bilan

devona bo'ldim...” satri bilan

boshlanuvchi g'azali bilan ijro

etilgan lirik ashula. 9. San'atkor

ayol. 10. “Parvona” spektakli

qahramoni. 11. Juda go'zal,

xushro'y, suluv ayol. 12.

Atoqli ijodkor Oydin Hojiyeva

she'riy to'plamlaridan biri. 13.

Mukarrama Turg'unboeva

sahnalashtirgan mashhur

raqslardan biri. 14. Said

Ahmadning “Jimjilik” romani

qahramoni. 15. Turk adibi

Rashod Nuri Guntekinning

“Choliqushi” romani

qahramoni. 16. Nodiraga

ustozlik qilgan o'zbek

mumtoz shoirasi. 17. Ipak

bilan gul tikilgan do'ppi. 18.

Alisher Navoiyning “Sab'ai

sayyor” dostonidagi vafodor

yor siyosati. 19. Jasoratli ayol

siyosati gavdalantirilgan o'zbek

xalq dostonlaridan biri. 20.

Asli ismi Mohlaroyim bo'lgan

o'zbek mumtoz shoirasining

taxalluslaridan biri. 21. Chin

dildan sevish, vafodorlik.



23. O'rta tibbiyot ma'lumotiga ega bo'lgan shifoxona xodimasi. 24. Ma'rifatparvar shoira Nozimaxonimning “Ko'zi suzuk...” so'zlari bilan boshlanuvchi, lirik ashulaga aylangan g'azali. 25. O'zbek ayollaridan chiqqan ilk tarixchi olimlardan biri, Beruniy nomidagi Davlat mukofoti sohibasi. 26. “Qaytar dunyo” teleseriali qahramoni.

27. “Mahallada duv-duv gap” filmida O'zbekiston xalq artisti Maryam Yoqubova gavdalantirgan ona obrazi. 28. O'zbek xalq qo'shig'i. 29. Xushbo'y pardoz ashoyisi olinadigan manzarali o'simlik. 30. Izzat, obro', olijanoblik ma'nolarini anglatuvchi ayollar ismi. 31. Ayollarga xos ko'rinish, chiroy. 32. Odil Yoqubovning “Diyonat” romani qahramoni.

## “ONALAR MADHI”

## MUAMMONOMASI

Avvalo quyidagi shoirlarning hikmatli misralarida keltirilib, raqamlarda ifodalangan kalit so'zlarni toping.

Alisher Navoiy:

1. Onalarning oyog'i

ostidadur,

Ravzai jannatu jinon bog'i.

Ravza bog'i 11, 2, 15, 6, 3,

2, 5 istar ersang.

Bo'l onalar oyog'in tuftog'i.

2. Olijanob xotinga kishi juft

bo'lsa,

Uyning ziynati- 6, 4, 6, 7,

2, 9, 2.

Husni bo'lsa ko'ngilga

marg'ub,

Yaxshi aqli bo'lsa jonga

matlub.

Abdurahmon Jomiy:

3. Onangdan bosh tovlama,

oshmasin 16, 1, 4, 16, 2,

9, 1, 4, 1, 12 toji erur

oyog'in gardi.

Abdulla Oripov:

4. Yo' qmidi hech o'zga 8,

1, 14, 2, 5, 8,

Nola qilib so'ylasang.

Nahot axir so'nggi dam

ham,

Farzandingni o'ylasang.

Asqad Muxtor:

5. Onam menga yurak ato

etgan

Mehru muhabbatga lim-lim

to'lsin deb.

Ezgulik va yog'du, kamolga

10, 13, 8, 1, 5

Go'zallik kuychisi bo'lsin

deb.

Endi shakl atrofidagi

raqamlarni kalit so'zlari

javoblaridagi harflar

bilan almashtirish orqali

muammonomani hal eting.

Bunda ulardan buyuk shoir va

uning yara bir hikmatli so'zini

bilib olasiz.

Tuzuvchi: Foziljon Oripov

## МУАССИС

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИҒОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта руйхатдан ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина – бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина – масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

## Дизайнерлар

Рўзиев Зафар  
ХусановичАбдуллаев Хуршид  
Ўқтамжонович

Навбатчи

Нодирабегим Жамолова

## «YOSHLAR OVOZI»дан

материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлбеллар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.

(371) 233-79-89 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида.

A-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Буортма Т-336

Адаби — 27160

Воситчи ташкилоти овози — 21.00

Тиражи — 23.58

Рақ. янги — 23.00

Dobut' usulida bosilgan.

1 2 3 4 5 6